

## ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*В.б. доцент Н.С.Алимова (ТАҚУ)*

**Аннотация:** Мақолада талабларда креативлик сифатларини ривожлантиришининг самарали йўллари, креативлик сифатларига эга бўлишлари учун ўқув ва тарбия жараёнида янги ғояларни яратиш ҳақидаги фикрлар ёритиб берилган.

**Аннотация:** В статье излагаются идеи для разработки эффективных способов развития креативных качеств студентов, создания новых идей в процессах обучения и воспитания, формирования студентов творческими людьми.

**Annotation:** There is discussed in the article ideas for teaching effective ways of creativity among students development, to forming the students as creative thinking persons.

**Калим сўзлар:** креативлик сифатлари, билим, кўникма, малака, ижодий фаолият, шахс креативлиги, касбий ижодкорлик.

**Ключевые слова:** креативные качества, знания, навыки, квалификация, творческая деятельность, креативность личности, профессиональное творчество.

**Keywords:** qualities of creativity, knowledge, skills, qualifications, creative activity, creativity, professional creativity.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникмава малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ касбий-ижодий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларнинг етарли даражада ўзлаштирилишини талаб этади. Креативлик (лот.,инг. «create» яратиш,«creative» яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек,мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этилади. Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиш унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини, касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Олий таълим тизимида ўқиш фаолиятида бўлган талабалар креативлик сифатларига эга бўлишлари учун уларда ўқув ва тарбия жараёнларида анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғоялар ҳақида фикр юритиши, ўзига хослик, ташаббускорлик талаб этилади. Бинобарин, креативлик сифатларига эга бўлажак педагог касбий фаолиятини ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, талабаларнинг ўқув фаолияти, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади. Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у астасекин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби

бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдида муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибалари- га зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мураккаб ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривож- лантиради. Талаба шахснинг креативлиги унинг тафаккури, мулоқоти, ҳис-туйғулари, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Айтиб ўтилганидек, барча шахсларда бўлгани каби бўлғуси педагогларда ҳам креативлик сифатлари ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари мавжуд.

**Биринчи йўл** - креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш. Бунда асосий урғу креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш асосий эътибор марказида бўлиб, талабалар феъллар ёрдамида креатив характердаги ҳаракатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Хусусан, ўқитувчилар креатив фикрлаш кўникмасини самарали шакллантириш мақсадида талабаларга уларни фикрлашга ундовчи саволлар таркибида зарур феълларнинг бўлишига эътибор қаратадилар. Бу ҳолат мисоллар билан тушунтирилса, талабалардан «юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб беринг» мазмунидаги назорат саволи уларда креативликни шакллантирмайди. Зеро, савол таркибидаги «таърифлаб беринг» тушунчаси ўз моҳиятига кўра «мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг» дейиш билан тенг. Назорат саволларини беришда талабаларни фикрлашга ундовчи сўз (феъл)лардан фойдаланиш уларнинг креатив фикрлашларини оsonлаштиради. Шу сабабли шахсда креатив сифатларни шакллантириш- нинг биринчи йўлига кўра педагоглар турли, антиқа, ноанъанавий ҳамда пухта жавобни беришга мажбур қилувчи сўз (феъл)лардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Масалан, «боғлиқликни топинг», «яратинг», «башорат қилинг», «фикрни мантиқан баён этинг», «тасаввур қилинг» каби сўз (феъл)лардан фойдаланиш амалий жиҳатдан самарали саналади. Агарда педагог талабалардан «юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб бериш»ни талаб қилиш ўрнига, «юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликнинг барча турларини келтириш»ни сўраши лозим бўлса, натижада талабалар ҳам мавжуд билимларни умумлаштириш, ҳам янги фикр ва ғояларни илгари суриш имкониятига эга бўлади. Педагоглар биринчи йўлни қўллаш – талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда ёш ўқитувчиларнинг «Креативлик харитаси»дан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчи йўл** – амалий креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш. Педагоглар талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланадилар. Бу ўринда саволлардан фойдаланиш фақат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин, у талабаларда интерфаоллик ва киришимлиликини ривожлантирмайди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/Монография. – Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2013.
2. Педагогика назарияси / ОТМ учун дарслик. Муал.: М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Iqtisod-moiya», 2010..
3. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иноғомова Д. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012.
4. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
5. Усмонбоева, А.Тўраев, Креатив педагогика асослари. Ўқув-услубий мажмуа. -ТДПУ,2016

### УДК 371

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

доцент Арипова Насиба Атхамовна (ТАҚУ)

**Аннотация:** Мақолада олий таълимда мустақил таълимни ташкил этишида инновацион, педагогик технология ва интерфаол ўқитиш жараёнининг мазмун - моҳияти, педагогик технология доирасидаги ёндошувларни, қурилиш фанларига оид мавзуларда мустақил таълимни ургатиш технологияси, интерфаол ўқитиш усулларини қўлланилиши ҳақида баён этилган.

**Аннотация:** В статье описано содержание инновационной, педагогической технологии и интерактивного процесса обучения при организации самостоятельного образования в высшей школе, подходы в рамках педагогической технологии, технология преподавания самостоятельного образования по темам, связанным со строительными науками, а также использование интерактивных технологий. методы обучения.

**Abstract:** The article describes the content of innovative, pedagogical technology and interactive learning process in the organization of independent education in higher education, approaches within the framework of pedagogical technology, technology of teaching independent education on topics related to construction sciences, as well as the use of interactive technologies. teaching methods.

**Калим сўзлар:** мустақил таълим, инновацион технология, ижодий фаоллик, меъёрий-ҳуқуқий актлар, ўқув-билиш фаолияти.

**Ключевые слова:** независимое образование, инновационные технологии, творческая активность, нормативно-правовые акты, учебно-образовательная деятельность.

**Key words:** independent education, innovative technology, creative activity, regulatory and legal acts, educational activity.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдида қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарур. Мустақил таълим талаба ва педагогнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Талаба бажараётган мустақил иш педагоги учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажақдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Талаба олаётган билим натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур. Ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли сўзсиз катта. Педагогдан тайёр маълумот олгандан кўра мустақил фаолият жараёнида олган билимни ўзлаштириш нисбатан анча яхши натижа беради.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдида қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий